



# O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 19-aprel. Seshanba 47 (31.323)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



**Мамлакатимиз мактаблари моддий-техник базаси тўла маънода мустақкамланди.**



**2011 йилда халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган 302 километр йўллар фойдаланишга топширилади.**



**Республикаимиз банклари томонидан ажратиладиган кредитлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда.**



**Она ва бола саломатлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир.**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРИНИНГ ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳамда фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қайд этилсинки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, фермер хўжалиқлари давлат мулки бўлган ер майдонларини ижара шартномасини тузиш йўли билан узок муддатли ижарага бериш асосида, фермер томонидан шартномада назарда тутилган тегишли мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда ташкил этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий мувофиқ равишда тақдим этиладиган давлолар асосида суд орқали ҳал қилинади.

3. Белгилансинки, фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришга доир давло аризаларини қўзғатиш ва уларни судга ошириш учун фермер томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини чуқур таҳлил этишда қуйидаги ҳолатларнинг аниқлини асос бўлади:

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси бир ой муддатда Фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка қатъий риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда мансабдор шахслар томонидан суистеъмол қилиш ва қонунчиликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси бир ой муддатда Фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка қатъий риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда мансабдор шахслар томонидан суистеъмол қилиш ва қонунчиликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 18 апрель

**И.КАРИМОВ**

### ЎЗХДП фаолияти



Муродбек ЗИЁ оlingан сурат.

## Сиёсий партияларга бериладиган ҳуқуқлар электрот манфаати ҳимоясини янада кучайтиради

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор вазифаларни бажаришда Ўзбекистон ХДП фаолиятининг асосий йўналишлари» мавзусида семинар ташкил этилди. Унда давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепциядан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари ва фаоллар, шунингдек, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик институтидан мутахассислар иштирок этди.

— Концепцияда тараққиётимизнинг ўтган даври, айниқса,

таъсирини кучайтиради. Бу имкониятлардан электрот манфаатларини янада самарали ҳимоялашда ўринли фойдаланишимиз зарур.

Семинарда, шунингдек, юртимиздаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, хусусан, партия электорати орасида тарғиб қилишда фракция ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиги, ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масаласи атрофида таҳлил қилинди. Қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ҳамда жойларда қонун чиқаруви ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари, назорат вазифаларини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Партиялар парламент қонун ижодкорлиги фаолиятида ўзи-

нинг депутатлари орқали иштирок этиб, қабул қилинаётган қонунларда электрот манфаатини ифода этишга интилади. Янги ваколатлар эса бир вақтнинг ўзида ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтирувчи ва ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулиятини оширувчи янги ҳуқуқий механизм вужудга келишига замин яратди. Натижада сиёсий партиялар Сайловдаги дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электрот манфаатини ҳимоя этишга ижро ҳокимияти орқали таъсир кўрсатиш имконига эга бўлади.

Семинарда, шунингдек, янги қонун лойиҳаларини тайёрлашда масъулият билан иштирок этиш, уларга партия сайловдаги дастурий қўғларини ифода қилишга таклифлар киритиш, парламент назорати ва депутатлар ваколатидан ўринли фойдаланиш билан боғлиқ қатор масалалар ҳам муҳокама этилди. Олинган турган вазифалар белгилаб олинди.

**Безод ШУКУРОВ**



Ўзбекистон ва Хитой давлатларини бир-бирига боғлайдиган, яқинлаштирадиган жиҳатлар жуда кўп. Хусусан, бундан 2000 йил олдин Буюк ипак йўли узра бошланган маданиятларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, илмфан йўналишидаги яқин алоқалар бугунги кунда янада долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантиришда ҳар иккала томон ҳам манфаатдордир.

⇒ 3

### Эътироф

Тошкентга ўтган йили ҳам келган эдим. Бир йил ичида шахрингиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Юртингизда ўзимни доимо хотиржам ва бахтиёр ҳис этман. Бу муқаддас дёрга қайта-қайта келгим келади. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, менинг ўзбек мумтоз қўшиқларига меҳрим жуда баланд.

Халқингизнинг энг катта ютуғи — мамлакатингиздаги тинч ва осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Давлатингизнинг тинчликпарвар ва тараққиётпарвар сиёсати келажакда янада юксак самаралар беришига ишонман.

**Абҳай УЖВАЛ,**  
(Хиндистон)

### Тадбир

#### Дунё тан олган шаҳар мадҳи

Испаниянинг Мадрид шаҳрида «Самарқанд: Буюк ипак йўли дурдонаси» деб номланган ўзбек маданияти кечаси ўтказилди.

Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамгармаси, мамлакатимизнинг Испания қироллигидаги элчихонаси ҳамда Испаниянинг «Repsol» компанияси томонидан ташкил этилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамгармаси сайтининг маълум қилишича, тадбирда Испания қироллигининг 200 дан ортиқ сиёсий, иجتимоий, маданий ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Улар орасида «Repsol», «Talgo», «Abengoa», «Indra», «Berძrola», «Duro Felguera» сингари йirik ташкилотлар раҳбарлари бор.

Тадбирда юртимизнинг ноёб маданий мероси, хусусан Самарқанд шаҳрининг ўзига хос қадимий обидалари, масжид мақбарлари ҳақида кенг маълумотлар берилди. Намойиш этилган кенг турдаги фотоўрғазмада қадимий шаҳарда жаҳонга донги кетган каштачилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, қандкорлик ва мисгарлик, кулолчилик сингари санъат йўналишлари ҳамма вақтларда гуллаб-яшнаганлиги ёрқин акс эттирилди.

### Кўргазма

#### Дастурловчилар форуми

11-12 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида дастурловчилар миллий форуми ҳамда аъъанавий миллий дастурловчи маҳсулотларининг «BEST SOFT UZBEKISTAN» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ҳар йили ўтказилиб келинадиган дастурловчилар миллий форуми ва кўргазмасини ташкил этишдан мақсад — Ўзбекистон санъатини барқарор ривожлантиришдаги муҳим вазифаларни муҳокама қилишдан иборат. Шунингдек, мазкур анжуман мутахассисларни тайёрлашда таълим жараёнининг фаоллаштиришга кўмаклашишни ҳам кўзда тутди.



Хизматлар лицензияланган.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 19 APRILDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1782,98	1 Миср фунти	283,95	1 СДР	2699,36	10 Жанубий Корея вони	15,50
1 Англия фунт стерлинги	2753,11	1 Канада доллари	1755,77	1 Туркия лираси	1118,25	10 Япония иенаси	203,87
1 БАА дирхам	459,98	1 Хитой юани	258,72	1 Швейцария франки	1890,36	1 Россия рубли	59,86
1 АҚШ доллари	1689,23	1 Малайзия рингити	559,26	1 Евро	2443,30	1 Украина гривнаси	212,02

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

# КОНЦЕПЦИЯ

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди... Бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонуний базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодийнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит тугилади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

## Оилавий бизнес

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосидир



Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор

Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг қарийб йигирма йилини босиб ўтди. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг мустахкам асослари яратилди. Халқимизнинг турмуш фаровонлига хизмат қиладиган, чуқур ўйланган ислохотлар босқичма-босқич ўтказилмоқда. Натижада Ўзбекистон дунё тан олган, халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва ўз сўзига эга, йилдан-йилга юқори суръатлар билан ривожланиб бораётган, қисқа давр ичида айрим давлатлар ўрганса арзийдиган тажрибага эга салоҳиятли мамлакатга айланди.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол қатламни бу соҳага кенг жалб этиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Айниқса, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида, ёшлар ва аёллар, умуман, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли қатлами ўз иштини йўлга қўйиш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

атини кенг ифода этиш, мамлакатни изчил модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини такомиллаштириш, шунингдек, бу жараёни жадаллаштириш бўйича муҳим йўналишларни белгилаб берди. Мамлакатимиз раҳбари демократик бозор ислохотларини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш вазифасини тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кайд этди.

Шу вақтга қадар иқтисодийёт соҳасида амалиётга татбиқ қилинган 400 дан ортиқ қонун ҳужжатлари бу борада ҳуқуқий асос яратди. Бозор муносабатларини либераллаштириш ва демократлаштириш хусусий мулкчиликни,

тадбиркорлик фаолиятини, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича янги қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тугдирди. Шу маънода, оилавий бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган замирида улкан маъно-мақсад мужассам.

Ўз иштини йўлга қўйишнинг бу шакли халқимиз учун миллий анъана, азалдан эъзозлаб келинган қадриятдир. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам учун янги иш ўринлари яратилиши ва барқарор даромад манбаи вужудга келиши билан жуда катта аҳамиятга эга.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди дастурий мақсадларига тўла мос келади. Бизнеснинг бу шакли нафақат оила аъзоларини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишга, балки оилани, ундаги ҳамжиҳатликни, демократиянинг мустахкамлашга хизмат қиладди. Бундан ташқари, бозорни, талаб ва тақлифи ўрганиш, шунга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш, айни пайтда, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирини, оила бюджетини шакллантириш ва уни бошқариш кўникмаларини мустахкамлайди.

Оилада катта бўлаётган фарзандларда ўз олдиға мақсад қўйиш, бунинг учун астойдил қўллаб-қувватлаш зарур деб ҳисоблайди. Партияимиз шу мақсадда Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда «Микро-

молиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари» лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, иқтисодий форум шаклида ўтказилаётган мазкур лойиҳа доирасида партияимиз электротарининг иқтисодий билимларини ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш алоҳида ўрин тутади. Биз шу мақсадда махсус иқтисодий ўқувлар ташкил этаймиз. Бундан ташқари, электротар вакиллари оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида ишлаб чиққан бизнес лойиҳаларни кўриб чиқиш, улар учун банк хизматлари, меҳнат ярмаркалари, оилавий тадбиркорлар ва хунармандчилик кўргазмалари ташкил қилиш йўлга қўйилди.

Шу кунгача Тошкент, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ўтказилган иқтисодий форумларда партияимиз электротарининг 170 нафардан ортиқ вакилига тижорат банкларидан имтиёзли микрокредит олин ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Сертификат олганларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчилари экани, айниқса, қувончлидир. Молиявий қўллаб-қувватлаш партия электротари учун барқарор иш ўринлари яратиш ҳамда оилаларнинг фаровонлигини таъминлашга асос яратди.

Концепцияда белгиланган вазифаларнинг асл маъно-маъмуни ана шу эзгу мақсадни қўзғалади. Шунинг учун унда белгиланган вазифаларни виждонан бажаришимиз, бу ишга ҳар биримиз жиддий маъсуляти билан қарашимиз зарур. Мамлакатимизнинг эртанги истиқболи бевосита шунга боғлиқ.

ЎзХДП: «Ёш сиёсатчи — 2011»



## Ўз ҳаётига масъуллик

Ватан тақдирига ҳам масъулликни белгилайди

Эртанги кунимиз қандай бўлиши замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаб, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодга боғлиқ, албатта.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан «ЎзХДПда ёш сиёсатчи» танлови ўтказиб келинади.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, уларнинг сиёсий билими ва фаоллигини ошириш партия «Истиқбол» ёшлар қанотининг асосий вазифаларидан биридир, — дейди қанотнинг Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Жуманиёз Жуманиёзов. — Қонунларни кенг тарғиб қилиш, эркин демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашда танлов ўзига хос аҳамият касб этаётган. Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар ижроси танлов шартларидан алоҳида ўрин олган. Бу эса ёшларнинг Концепция моҳиятини чуқур англаши ва унинг тарғиботида фаол иштирок этишини таъминлайди.

Танловнинг **Филонзор туман босқичида** қатнашчилар таништирув, сиёсий саводхонлик, нотижлик санъати ва депутатликка номзод каби шартлар бўйича ўз билим ва иқтидорларини нимойиш этишди. Иштирокчиларнинг ҳар бир қишқини ҳақамлар муносиб баҳолади. Адиба Аҳмадхонова танловда голибликни қўлга киритди ва шаҳар босқичига йўланма олди.

Танловнинг **Бектемир туман босқичи** ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. Иштирокчилар танлов ҳар йилгидан ҳам қизиқарли ўтгани, тайёргарлик жараёнида ўз билим ва кўникмаларини янада мустахкамлаганини таъкидлашди. — Мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди қанотнинг туман бўлими етакчиси Бобомурод Омонов. — Биз ана шу ғамхўрликка муносиб бўлишимиз зарур. Танлов давомида истеъдодли ёшлар ўз маҳорати, сиёсий билимини синовдан ўтказишмоқда. Иштирокчиларнинг чиқишларини кузатар экансиз, уларнинг ҳар бири танловга катта тайёргарлик кўргани, қобилияти ёшлар вояга етаётганига иқдор бўласиз.

Танловда Фарҳод Илҳомов биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичига йўланма олди.

Йилдан-йилга ёшларнинг мазкур танловга қизиқиши ошиб бораётган. Натижада ЎзХДП сафи ташаббускор, билимли ва фаол ёшлар билан бойимокда. Буни **Юкори Чирчиқ туманидаги** Янгибозор ахборот-ресурс марказида бўлиб ўтган танловнинг туман босқичидан ҳам билса бўлади. — Танлов катта қизиқиш ва алоҳида тайёргарлик билан ўтди, — деди унинг голиби Дамира Эржанова. — Қўллаб ёшлар ўз кучини сынаб кўрди. Иштирокчиларнинг ҳар бири иштиёқ, ғайрат ва жиддий таёргарлик билан келган. Менга танловнинг нотижлик шарты маъқул келди. Унда биз депутатликка номзод сифатида ўз сайловолди дастуриямизни тақдим қилдик. Дастурда ҳудуддаги аҳолини ўйлантираётган муаммолар, ёшлар ҳаётига оид масалалар қамраб олинган. Уларнинг ечимни бўйича ўз тақлиф-тавсияларимизни ишлаб чиқдик.

— Партия сафига кирганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, — деди унинг ўрин соҳибни Дилдора Умарова. — Аммо шу вақт ичида эл-юрт манфаати йўлида ҳаракат қилишни, бутун куч ва имкониятни эзгу мақсадларга сарфлашни ўргандим. Биз ҳаммамиз Ватан ва миллат тақдирига, эртанги кунга, атрофимизда кечаётган ўзгариш ва бунёдкорликка масъулмиз. Бу, шубҳасиз, келажагимизни таъминлайди. Ўз ҳаётига масъул бўлган киши Ватан тақдирига ҳам жиддий қарайди. Буни ёшлар чуқур ҳис этиши ва англаб етишида танловнинг аҳамияти катта бўлаяпти.

Латифжон МАНСУРОВ

## Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

Ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга

Иброҳим ЕКУБОВ, ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати



Ота-боболаримиз азалдан бир ишни бошлашдан олдин кўни-кўшни, маҳалла-кўй билан маслаҳатлашган, кўпнинг фикрини билиб, шунга мувофиқ ҳаракат қилган. Анча-мунча масалалар маҳалла оқсоқолларининг ҳамжиҳатлигида оқилонга ҳал этилган.

Шу боис, маҳаллани демократик тамойиллар асосида янада ривожлантириш кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар ичида маҳалланинг мавқенин ошириш, ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ҳуқуқини кенгайтириш борасида катта ишлар қилинди. Аммо ҳаёт шун кўрсатмоқдаки, маҳалланинг имкониятлари жуда катта. У фуқаролик жамияти институти сифатида ҳаётимиздан қанча чуқур ўрин оласа, жамиятга шунча кўп ёрдами тегади. Шу сабабли Президентимиз илгари сурган Концепцияда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини энг муносиб кишилар ичида сайлаш, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамиятини ошириш кўзда тутилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги таъкидланди.

ривожланиш хусусиятлари бўйича кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконияти кенгаймоқда. Энг муҳими, бу жараёнда аҳоли ўз фикр-мулоҳазаларини билдирапти, улар муҳокама этилиб, энг мақбул тақлифлар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур тизимнинг янада самарали ишлаши, одамларни ўйлантираётган масалалар ечимни бўйича пухта ишлар қилиниши, маҳалла аҳолининг ҳамжиҳат ва ҳаммаслак бўлиши, ҳудудлар раванкига қаратилган ташаббусларнинг қўйилиши кўп жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш органларига сайланадиган раис ва маслаҳатчилар малакасига боғлиқ, албатта.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасидаги вазифалар самарали бажарилиши, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш учун сайланадиган раислар, маслаҳатчилар маҳалла институтининг ишлаш механизмидан яқин хабардор бўлиши керак. Бундан ташқари, номзодлар шундай бўлиши лозимки, улар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлардан хабардор бўлиши, аҳолини ўйлантираётган масалалар бўйича аниқ тақлиф бера олиши, маҳалла-кўйни ўз атрофида бирлаштириш, энг муҳими, одамларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга интилиши зарур. Агар у шундай сифатларга эга бўлса, маҳаллага ҳам, жамиятга ҳам нафи тегади.

## Суд-ҳуқуқ тизимининг демократлашуви

инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада самарали таъминланишига хизмат қиладди

Ботир ҚОРАХУЖАЕВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири



Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, янада демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда шу орқали қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Шу вақтга қадар мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси ишлаб чиқилди. Мулкчиликнинг турли шакллариға асосланган қорхоналар, ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасида вужудга келадиган низооларни ҳал этиш учун ҳўжалик судлари ташкил этилди. Судлар иختисослаштирилди, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалдаги тенгчилиши таъминлаш мақсадида адвокатура институти тўдан ислоҳ этилди ва мақсенин оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Жинсий жазолар либераллаштирилди, жинсий ишларни кўриш муддатлари қисқартрилди, фуқаролик ва жинсий ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди, кассация тартиби ислоҳ этилди ва бошқа қатор ислохотлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш масаласига давлатимиз раҳбари доимо катта эътибор қаратиб келмоқда. Президентимиз Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида таъкидлаганидек, «агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнининг ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёни билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминлаш ҳам, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган кўрсаткичларимизга эриша олаймиз». Суд-ҳуқуқ соҳасини ана шу тамойил асосида ислоҳ қилиш ва

янада либераллаштиришга қаратилган ишлар ўз вақтида амалга оширилаётгани яқин самара бермоқда. Президентимизнинг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар Концепцияси белгилаб олинди. 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги тарихий Фармон асосида 2008 йилнинг 1 январидан жиний ҳазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди. Бу эса жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлида муҳим босқични бошлаб берди. «Қамоққа олишга санкция олиш ва жиний ишларни ўтказиш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши бу ислохотларнинг узвий давоми бўлди. Шу асосда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш, шахсни ҳибсга олишга, қамоққа сақлашга ёки ҳуқуқини келбаб қўйишга суд ҳукмигиз ҳеч ким ҳақли эмаслиги нафақат Конституцияимиз, балки бошқа қатор қонунларимизда янада мустахкамланди. Судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш механизми яратилди, фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самардорлиги сезиларли даражада ошди.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимининг демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги мавқеи кучаймоқда. Бу борада муҳим ишлар қилинмоқда. Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган вазифалар бу ишларнинг мантикий давомидир. Давлатимиз раҳбари ўтган йиллар мобайнида бу соҳада қўрилган ишларни таҳлил этиб, уни янада демократлаштириш ва либераллаштириш борасида аниқ тақлифларни ўртага ташлади. Бунда айрим қонун ҳужжатларини бугунги кун талаби бўйича қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгаришлар киритиш, янги қонунлар қабул қилиш, ҳуқуқий маданият тарғиботини яхшилаш, бунинг учун чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, адлия органларининг мавқенин янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмлар яратилди ҳужжатлар қабул қилиш гоёси илгари сурилган.

Тараққиёт тобора шиддатли тус олмоқда. Бу эса ислохотларни чуқур ўйлаб, ўз вақтида амалга оширишни талаб этади. Мамлакатимиз раванкига, фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида адлия органларининг мавқенин ошириш давр талаб этаётган долзарб масаладир. Концепцияда кўзда тутилган чоралар адлия органларининг такомиллаштиришда янги саҳифа очилиш шубҳасиз. Адлия органларининг ваколатларини сезиларли кенгайтириш, биринчи навбатда, давлат ҳокимияти идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича назоратнинг самардорлигини кескин оширади. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари тизимини жамиятга тийиб туриш ва манфаатлар мувоzanатининг самарали механизминини яратиш, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиладди.

Умуман олганда, Концепцияда илгари сурилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни самарали ҳимоясини таъминлашга қаратилган бўлиши билан ғоятда қимматлидир.

# Илм-фан йўналишидаги алоқалар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда хитой тилини ўрганиш ва ўқитишга бўлган илк уринишлар XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади. Ушанда Тошкентда «Замонавий хитой тили грамматикаси» китоби яратилган эди. 1950-йилларга келиб, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида нафақат Ўрта Осиё, балки собиқ Иттифоқда хитойшунослик йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ягона марказ вужудга келди.

1991 йил. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб шарқшунос кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Фармони билан 1991 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил этилди. Бу тарихий ҳужжат шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш, илмий алоқаларни йўлга қўйиш борасида ташланган муҳим қадам эди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ва унинг қошидаги хитой филологияси кафедраси жаҳон тилларидан бири бўлган хитой тили ва адабиёти йўналишида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш борасида улкан натижаларни қўлга киритмоқда. Бу ютуқларда кафедранинг турли йилларда бошқарган Мирзаабзал Каунбаев, Акрам Каримов, Исмаилов Бекмуродов, Лола Султонова ва кафедрага бугунги кунда мудирлик қилаётган Саодат Носироваларнинг хизматлари беқиёс. Мазкур кафедрада кадрлар тай-

ёрлаш билан бир қаторда Ўзбекистон — Хитой илм-фан ҳамкорлигини янги bosқичга кўтаришга ҳам муносиб ҳисса қўшилмоқда.

**Кейинги йилларда хитой филологияси кафедраси билан бирга, институтда янги хитойшунослик йўналиши очилди. Унда замонавий Хитой иқтисодий, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати, тарихи, маданияти фанлари ўқитилиб, кенг қамровли хитойшунос кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.**

Бундан ташқари, Тошкент шарқшунослик институти талабаларига ҳозирги замон ва қадимий хитой фалсафаси бўйича ҳам дарслар ўтилади. Ушбу яратилган имкониятлар махсус йўналишда 2002 йилда Шоазим Шамаманов «Сиёсий барқарорлик ва тарққиёт (Хитой мисолида)», 2005 йилда Жасур Зиёмухаммедов «Пу Сунглининг сеҳрли новеллалари (сюжетнинг келиб чиқиши ва ривожланиши)», 2006 йилда Исмаилов Бекмуродов «Деятельность Шанхайской организации сотрудничества и процесс её институционализации», 2008 йилда Саодат Носирова «Хозирги замон хитой тили дипломатик терминларининг лексик-семантик ва структур таҳлили», 2009 йилда Сабоҳат Хошимова «Хозирги хитой тилида редупликация» мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

1999 йилда хитой филологияси кафедрасида магистратура йўналиши очилди. Бугунги кунга қадар 40 дан ортиқ йигит-қиз магистрлик даражасини олишга муваффақ бўлдилар. 2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Хитойшуносликнинг долзарб масалалари (фалсафа, тарих, маданият, иқтисод ва сиёсат)»га бағишланган аъёнаний илмий-амалий анжуман ўтказиб келинмоқда. Конференция материаллари тўплам ҳолатида чоп этиб борилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда таржимонлар тўрагаги шакллантирилди. Ушбу йўналишда ўзбек адабиётининг турли жанрдаги намуналарини хитой тилига таржима қилиш ва уни мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида нашр этириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Бугунги кунда институт олимлари томонидан хитой филологиясининг долзарб масалаларига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар, алоҳида китоблар, турли журнал ва тўпламларда мақолалар эълон қилинди. Бунга «Хитой тилшунослиги тарихи», «Хитой байрамлари», «Хитой тили христоматияси», «Хитой тили», «Хитой тили грамматикаси», «Хитой матбуот тили», «Хитойча-ўзбекча сўзлашгич», «Хитой тили спорт атамалари лугати» каби ларни мисол келтириш мумкин. Ҳозирда кафедра ўқитувчиларидан Саодат Носирова, Сабоҳат Хошимовалар «Хитой тилининг грамматик асослари» электрон дарслиги устида изланиш олиб боришмоқда.



Пекин шаҳрининг куш учар баландликдан кўриниши

**Тошкент давлат шарқшунослик институти Хитойнинг Пекин, Ланчжоу университетлари ҳамда Пекин, Шанхай, Юннан, Синжон педагогика университетлари, Пекин чет тиллар институти, Пекин кам сонли миллатлар университетлари билан илмий алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистон ва Хитой Олий таълим вазирликлари ўртасида имзоланган талаба ва ўқитувчилар алмашинув шартномасига биноан ҳар йили Тошкент давлат шарқшунослик институтида таҳсил олаётган ўнга яқин талаба ва икки нафар ўқитувчи Хитойдаги нуфузли олий таълим муассасаларига тажриба алмашиш учун юборилди. Ўз навбатида хитойлик ўқитувчилар ҳам мазкур институтида талабаларга хитой филологиясидан дарс бериб келмоқдалар.**

## «Ўзбекистон — иккинчи Ватаним»

дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти хитой филологияси кафедраси тадқиқотчиси, хитойлик олим ЛИ Я МЕЙ

— Мен 2007 йил апрель ойида Тошкентга келганман. Шу вақт давомида илмий мақолаларим Ўзбекистонда, Хитойда нашр этилди. 2011 йилда Ўзбекистонлик ҳамкасбим Озод Очилов билан ҳаммуаллифликда «Ўзбекча-хитойча, хитойча-ўзбекча мақол, матав ва иборалар лугати»ни яратдик. Китобимиз тақдими Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонасида тантанали ўтказилди.

**Бугунги кунда ўзбек олим, филология фанлари номзоди Акрам Каримов илмий раҳбарлигида «Хитой тилидаги мерорхик муносабатни ифодаловчи фразеологизмлар (лексик-семантик, структур ва функционал-стилистик таҳлил)» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаш арасидаман.**

Ўзбекистонда яшаётган йилларим давомида бир ҳолатни кузатдим. Муста-

қил мамлакатингиз тобора ривожланмоқда. Дунё ҳамжамиятида ўз мустақкам ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бу давлатингиз раҳбари олиб бораётган оқилона сиёсати туфайлидир. Ўзбекистонда фақат бир қадрият ўзгармайди. Бу ҳам бўлса, ўзбек халқининг меҳмондўстлигидир.

Ўзбекистон — Хитой илм-фан алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бунга мисол сифатида ўқитувчилар алмашинувини айтиш мумкин. Менга институтида яратилган шарт-шароитлар, ҳамкасбларимнинг қўллаб-қувватлаши, талабаларни ўқитувчиларга хурмат-эъзат кўрсатиши жуда ёқадди. Институтида биз хитой халқ байрамларини нишонлаймиз. Шунинг билан айтманки, ўзбек хитойшунос олимлари халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунда улар томонидан қўлаб бадий, илмий адабиётлар ўзбек тилига таржима қилинди.

Ўзбек халқи билан хитой халқининг ўхшаш томонлари кўп. Ҳар иккала халқ ҳам кечиримли, меҳнаткаш, савоватли, ёшлари катталарга хурмат кўрсатишди. Ўзбеклар ҳам, хитойлар ҳам софликни, тозаликни қадрлайди. Бошқалар олдида ўзини баланд олмайди, камтар. Умуман, бу икки халқни бир-бирига боғлайдиган, яқинлаштирадиган хусусиятлар жуда кўп.

Мен ўзбек йигит-қизларига хитой тилини ўргатар эканман, уларга бир галини такрорлайман. Хитой тили дастлаб қийиндай туюлади. Урганишни бошлагандан кейин ундан ажралиш қийин. Халқларимизни маданияти, тарихини билиш учун ҳам энг аввало, тил билишимиз зарур.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг тақлифига биноан давлат ташрифи билан Хитойга бораётгани халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга ва ривожлантиришга ишонаман.



Академик Ҳабибулла Акбаров хитойлик дипломат билан

## Беруни — геология фанининг асосчиси

сифатида хитойлик геолог олимлар томонидан алоҳида эътироф этилади, — дейди Тошкент давлат техника университетини фойдаланувчи қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари кафедраси профессори, академик Ҳабибулла АКБАРОВ

— Шундан бўлса керак, хитойлик олимлар геология фанининг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжумани 1998 ва 2006 йилларда Ўзбекистонда — Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларида ўтказиб госянин илгари сурган эди. Чунки улар геология фан сифатида жаҳонда биринчи марта ўзбек олим Беруни томонидан асосланганини, шунингдек, XX асрнинг энг йирик конлари, геология соҳасининг энг катта кашфиётлари ҳам айнан Ўзбекистонда очилганини кўрсатдилар.

1995 йилдан бошлаб Тошкент давлат техника университети геолог олимлари билан хитойлик геолог олимлар ўртасида илмий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Мазкур университет профессор-ўқитувчилари Хитойнинг Пекин, Ченду, Чанша Куньмин шаҳарларида жойлашган геология университетларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Ўз навбатида, хитойлик геологлардан ташкил топган нуфузли делегация ҳам мамлакатимизга бир неча марта ташриф буюрди.

Ушбу илмий ҳамкорликнинг натижаси сифатида мен Хитойда нашр этиладиган ва геология фани масалаларига бағишланган илмий журналга Марказий Осиё минтақасида тахрир хайъати аъзоллигига сайландим.

Халқаро геологлар ташкилоти Мурунтово олин конини XX асрнинг иккинчи ярмида кашф қилинган энг улкан геологик топила сифатида тан олади. Шундан бўлса керак, хитойлик геолог олимлар Урал, Тянь Шан, Ҳимолай олин камари Хитой худудидан ўтишини инобатга олиб, олин захираларини ўрганиш ва қидириб топиш борасида Ўзбекистон тажрибасини фойдаланган ҳолда олимларимизнинг услуб, тадқиқотларини ўрганишга катта аҳамият беришмоқда.

Шунингдек, Тошкент давлат техника университети бошқа бир қатор соҳаларда ҳам хитойлик олимлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бугунги кунга келиб ҳар иккала мамлакат олимлари томонидан бир қатор илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Фаррух ҲАМРОЕВ тайёрлади.



Ли Я Мей (ўртада) ҳамкасби Саодат Носирова ва ўзбек талабалари орасида

**Мен сентябрь ойида Хитойга кайтаман. Лекин боришим билан Ўзбекистонни, ўзбекларни, талаба ва ҳамкасбларимни жуда-жуда соғинаман. Чунки ЎЗБЕКИСТОН — ИККИНЧИ ВАТАНИМДИР.**

## Хорижда Ўзга сайёраликлар бор(ми?)

АҚШ Федерал қидирув бюроси 1947 йили ҳалокатга учраган номаълум учар жисмлар ҳақидаги маълумотни ошкор қилди.



Маълум бўлишича, Нью-Мексика штатининг Розуэлл шаҳарчаси яқинида ликопчага ўхшаш жисм қулаб тушган. Уни гўё буйи 90 см. келадиган «митти учувчи»лар бошқарган. Шу воқеага дахлдор маълумотлар «The Vault» электрон нашрида эълон қилинди. ФКБ мутахассислари, топилмага гувоҳ бўлган ҳарбийлар ва маҳаллий аҳоли билдирган фикрлар федерал хизмат музейида сақланади.

**Ливия инқилоби «дохий»си Муаммар Каддафий Африка Иттифоқининг мамлакатдаги урушини тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги тақлифини астойдил маъқуллаган.**



## «Яшил китоб»дан воз кечмоқчи

Африка Иттифоқининг навбатдаги кенгашида Жанубий Африка республикаси президенти Жейкоб Зума бу ҳақда расман баёнот берди. Икки томоннинг ўзаро учрашувида асосий эътибор ўт очини зудлик билан тўхтатишга қаратилган, шунингдек, Каддафийнинг истеъфоси бериш-бермаслиги масаласи ҳам жиддий музокара қилинган. Каддафий муқаддам мен раҳбар эмас, инқилоб «дохий»-симан, «дохий» қандай қилиб истеъфоси беради, деган эди. Бу сафар бир неча сарф давом этган музокарадан сўнг шу нарса маълум бўлдики, Каддафий мамлакатда жид-

дий ислохотлар ўтказишга тайёр. Ҳатто бир неча ўн йилдан буюн ўзи ёзган ва ўзи муқаддас деб билган, Асосий қомус ўрнида ҳаётга жорий этган «Яшил китоб»дан воз кечмоқчи, унинг ўрнига конституция қабул қилинишига рози, аммо ҳокимиятдан воз кечмоқчи эмас...

Шу кунларда унинг тақлифи Африка Иттифоқи билан Ливия муҳолифати ўртасида муҳокама этилади. Эслайтиб ўтамиз, ливиялик муҳолиф кунлар Муаммар Каддафий ҳокимиятдан кетмас экан, ҳеч қандай музокара бўлмаслигини таъкидлаб келмоқда.

## Экологик тоза транспорт

Германияда велосипед жамоат транспортига айланди. Мамлакат ҳукумати ишлаб чиққан ливияга кўра, велосипедларни ижарага бериш йўлга қўйилди, метро, автобус ва шаҳар электропоездлари бекатлари атрофида махсус тўхташ жойлари қурилади.

Бу эса велоспортдан фойдаланувчи йўловчилар учун қулайлик тудиради. Германия транспорт вазирлиги Петер Рамзауэрнинг айтишича, белла шаҳарда амалга оширилган кўзда тутилган мазкур ливияга 12,7 миллион евро сарфланади.

## Ҳамкорликнинг юксак самаралари

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк ипак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотларнинг дунё бўйлаб тарқалишида Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар муҳим ўрин тутган.

Бугунги алоқалар ҳам ҳозирги замон руҳига мос ҳолда, изчил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро хурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги алоқаларимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. 2005 йили имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.

**Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантиришда сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этасди. Зотан, халқлар ўртасидаги дўстлик ўзаро яқинроқ танишишда, бир-бири ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишда алоҳида ўрин тутди. Бу яқинлик ўзаро ишонч ва хурматни мустаҳкамлайди.**

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини, халқларимизнинг дўстлик ришталари ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга «Ўзбекистон — Хитой» дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда. 1998 йилда тузилган ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси икки мамлакат аҳолисини Ўзбекистон ва Хитой тарихи, маданияти ва санъати, халқларимизнинг урф-одатлари, аъёна ва қадриятлари билан яқиндан таништиришдан иборат. Дўстлик жамияти мамлакатларимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда илм-фан, маданият, маориф соҳаларини ривожлантириш ва спортни қўллаб-

қувватлаш борасида етакчи ташкилотлардан бири — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси 2005 йилда Пекин шаҳрида ўз ваколатхонасини очган. Ушбу жамғарманинг юртимиз миллий маданияти, қадрият ва аъёналари ҳамда бой тарихий мероси ва бетакрор санъатини Хитойда кенг тарғиб этишдаги ўрни беқиёс.

Самарқандда 1997 йилдан буюн ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида хитойлик санъаткорлар мунтазам равишда иштирок этиб, қатор совринли ўринларни қўлга киритаётир. Шунингдек, бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида икки мамлакатда ҳам мунтазам турли кўргазмалар ўтказиб турилади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуринда Конфуций номидаги Ўзбекистон — Хитой институти фаолият юритаётгани мамлакатларимиз ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг жадал тараққиётига яққол мисол бўла олади. Пойтахтимизда 2005 йилда ташкил топган ушбу институти Ўзбекистонлик ёшларга хитой тили ва маданиятидан сабоқ бериш баробарида, турли тадбирлар воситаси билан икки мамлакат ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар йўналишда икки томонлама алмасув ва ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, — дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Чжан Вэй. — Хитойга таълим олиш, саёҳат қилиш учун ташриф буюраётган Ўзбекистон фуқароларининг сонига тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, Хитойдан Ўзбекистонга бадий ва илмий йўналишда фаолият юритувчи делегациялар вакиллари ҳам тез-тез ташриф буюрмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги аъёнаний дўстлик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси Самарқанд вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи Шомурод АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изхор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистона» газеталари тахририяти жамоаси меҳнат фаришти Абдунаби МАННОПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси Январ Иноятовга уақо Анвар ИНОЯТОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистона» газеталари тахририяти жамоаси меҳнат фаришти Абдулатиф РАСУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

Соғлом авлод деганда, шахсан мен, аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, имон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Ислом КАРИМОВ

# Буюк келажак бунёдкорлари

Халқимиз қадим-қадимдан аёлларни нафақат гўзаллик тимсоли, балки ҳаёт яратувчиси, меҳр-муҳаббат эгаси, куч-қудрат соҳибаси сифатида улуғлаб келади. «Аппомиш», «Қирқ қиз», «Гуруғли» дostonларидagi қизларни кўз олдингизга келтиринг. Қизларнинг жангвор тайёрларлиги, йигитлардан кам эмас: қизларнинг от устида эгчиллик билан қиличбозлик қилиши, қамондан ўқотиши, эркаклар либосида кураш тушишлари бетакор маҳорат билан ифодаланган.

Навоий ҳазратлари ўз асарларида Ширин, Дилором образлари воситасида аёлларнинг ақлан, жисмонан ва руҳан гўзаллигини тараннум этади. Абу Али ибн Сино, Форобий, Беруний каби алломаларимизнинг бебаҳо асарларида ҳам тан сижатлиги бахт-саодатга эришишнинг муҳим омилларидан эканлиги таъкидланади.

Афсуски, мустабид замонда аёлларимизга нописанд мунсабатда бўлинди, уларнинг соғлиги, тақдир ҳақида қайғурилмади. Бу қандай оқибатларга олиб келгани кўпчиликка маълум.

Истиқлол йилларида эса энг, аввало, оналарни, аёлларни кадрлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи кун тартибига кўйилди. «Соғлом она — соғлом бола — соғлом жамият» тизими яратилди. Унинг асосий йўналиши — одамларимиз онгидида жисмоний маданиятни камол топтириш. 2000 йилда янги тахрирда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши, 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилишидан кўзланган мақсад — келажакимиз бўлган фарзандларимиз жисмонан соғлом, баркамол бўлиб воёга етишлари учун қулай шароит яратиш.

Мақтаб ўқувчилари ўртасида эса «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари йўлга қўйилди. Ушбу мусобақалар деярли барча мактаб ўқувчиларини қамраб олади. Коллеж ва академик лицейларнинг ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод», олий таълим мусассасалари талабаларининг «Универсиада» мусобақалари ўтказилиши анъанага айланди. Мазкур уч босқичли спорт тизими ёшларимизнинг соғлиги ва оризқиб кутадиган тадбирларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳукуматимиз томонидан аёллар спортини ривожлантириш ва оммавийлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт аёлга лафозат бағишлагани қолмасдан унинг соғлом ва янада гўзал бўлишига замин яратади.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг сайъ-ҳаракати билан нафақат шаҳар, балки юртимизнинг чекка туман ва қишлоқларида замонавий



ҳамда мухташам спорт мажмуалари барпо этилиб, спорт жиҳозлари ва анжомлари билан тўлиқ таъминланди. Бугун уларда минглаб ўғил-қизлар ўзларининг сеvimли спорт турлари бўйича маҳоратларини оширишмоқда. Кувонарлини, ана шу спорт иншоотларида илк кўникмалари олган фарзандларимиз бугун халқаро майдонларда Ватанимиз шайини муносиб ҳимоя қилишга тайёр. Бухоро вилояти вакили Замира Санакчулова эндигина 17 ёшга тўлди.

пиони деган шарафли номга муносиб топилди. Утган йили Хитойда ўтказилган XVI Осиё ўйинларида Замира кумуш медаль билан тақдирланди. Бу каби истеъдодли қизларни юртимизнинг истаган вилоятида учратиш мумкин. Сурхондарёлик мураббий Интизор Норбоевнинг шогирди Мадина Шарофиддинова Германияда ўтказилган халқаро турнирда совриндор бўлиб қайтган, воҳода спортнинг мазкур на-

спорт-соғломлаштириш гуруҳлари машғулотида мунтазам қатнашмоқда. Муҳим, бугун фарзандларининг бақувват, соғлом ва ақлан баркамол улғайишлари учун болалигидан жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш зарурлигини ҳис этган оналар бу борда ўзлари намуна бўлишга тайёрлик мақтовга эришди.

**Косон тумани Гувалак қишлоғида 2005 йилда бадий гимнастика саройи фойдаланишига топширилганида му-**

**Қизларнинг мунтазам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига имконият яратиш мақсадида ҳар бир ҳудудда «Аёл ва спорт» кенгашлари, синхрон сузи бўйича 12 та, бадий гимнастика федерациясининг 14 та бўлими ташкил этилди. Спортчи қизларимизнинг бадий гимнастика, сув спорти, энгил атлетика, стол тенниси, шохмот каби турлар бўйича қўлга киритаётган ютуқларини бошқаларга ҳар қанча ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Зулфия номидagi Давлат мукофотига сазовор бўлган 168 қизнинг 15 нафари айнан спортда эришган ютуқлари эвазига совриндорлар қаторидан ўрин олганлиги таҳсинга сазовор.**

**миқёсдаги юксак натижалари эвазига 400 фоиз устама иш ҳақи билан рағбатлантирилаётганлиги машғулотларнинг савия ва самарасини оширишда, устоз-мураббийларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашишига ундамоқда.**

Жойларда барпо этилаётган замонавий спорт мажмуаларини малакали хотин-қиз мураббийлари билан таъминлаш бугун долзарб вазифалардан бирига айланган. Бу масалани ижобий ҳал қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, биргина утган йили жойларда фаолият кўрсатаётган аёл мураббийлари сони 727 нафарга кўпайди. Мазкур мутахассисликни эгаллаш истагиди бўлган қизларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганлиги, айниқса, қувонарлидир. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Хотин-қизлар спортини ривожлантириш таълим йўналишига тушган аризалар сони 2009 йилдаги нисбатан утган йили 1,6 бараварга ортганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

**Хабарингиз бор, футбол бўйича 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жaxon чемпионати 2012 йили Ўзбекистонда ўтказилади. Бу ФИФАнинг Цюрихта ўтган иккинчи кўмитасининг навбатдаги йиғилишида эълон қилинди.**

— Ўзбекистонда спортнинг бошқа турлари қаторида қизлар футболи ҳам жадал ривожланиб бормоқда, — деди ФИФА президенти Йозеф Блаттер. — Биз бугун бу мамлакатга жaxon чемпионати мезбонлигини топширилганимиздан беҳад бахтиёримиз.

Юртимизда хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга берилаётган алоҳида эътибор туфайли қизларимиз ўртасида миллионлар ўйини — футбол ҳам жадал омалашмоқда. Мамлакатимизнинг кўп қарра чемпиони Қаршиннинг «Севин» футболчи қизларини бугун халқаро майдонларда яши билдилади. Футзал бўйича Ўзбекистон қизлар терма жамоаси Ёлчи иншоотларида ўтказилган Осиё ўйинларининг олтин ва бронза медаллари совриндори. Демак, 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жaxon чемпионатининг айнан мамлакатимизда ўтказилишини халқаро эътироф сифатида қабул қилсақ тўғри бўлади.

Спортда ҳамма голиб ёки совриндор бўлавермайди. Аммо жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш инсон иродасини тоблайди, жисмонан бақувват қилади, баркамоллик сари етаклайди. Баркамол воёга етганларгина мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барча жаҳалларида фидоийлик кўрсатиб, Ўзбекистонимизнинг буюк келажакини қуришга ўзларининг ҳиссасини қўша олади.

**Дилфуза ШОМАЛИКОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг сайъ-ҳаракати билан нафақат шаҳар, балки юртимизнинг чекка туман ва қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилиб, зарур жиҳозлар ва анжомлар билан тўлиқ таъминланди.

Айни пайтда унинг бадий гимнастика бўйича эришган натижаларига дугоналари ҳам ҳавас қилади. Замира Ўзбекистон терма жамоаси таркибидида дастлаб 2008 йилда Голландия давлатида ўтган йирик халқаро турнирда фахрли биринчи ўринни эгаллаганди. Сўнгра у Ўзбекистон чем-

фис турига қизиқувчилар сони ошди. Айни пайтда Сарисийё туманининг Искандар Дибёров, Гуллат Хидиров номидagi қишлоқ фуқаролар йиғинларида ёш қизчалар билан биргаликда уларнинг оналари, жуда кўлаб ўй бекалари ҳам буш вақтларида спорт мажмуаларида ташкил этилаётган

рабий Сабоҳат Одилова икки нафар қизалоқ билан машғулотларни бошлаган эди. Айни чоғда бу ерда нафис гимнастика сирлирини ўрганаётган қизлар сони уч юз нафардан ошди. Мусобақаларда иштирок этаётган гувалаклик қизлар мураббий ташаббуси би-

## Футбол

### Кучли учлик

Футбол бўйича 20-миллий чемпионатимизда 16 тадан очко тўплаган «Насаф», «Бунёдкор» ва «Пахтакор» клублари пешқадамлик қилишмоқда.

**6-тур натижалари:**  
«Пахтакор» — «Бухоро» — 1:0, «Динамо» — «Бунёдкор» — 0:1, «Андижон» — «Металлург» — 0:1, «Қизилқум» — «Навбахор» — 0:0, «Олмалик» — «Машъал» — 2:2, «Нефчи» — «Шўртан» 0:0, «Насаф» — «Сўғдиёна» — 3:1.

## Иқтисодори спортчилар баҳси

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида қаратэ бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида мамлакат чемпионати бошланди.

Шарқ яққоқрашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика маркази ҳамда Ўзбекистон қаратэ миллий федерацияси томонидан ёш авлодни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ва улар ўртасида қаратэни янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мусобақада 1500 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч си-нашмоқда.

Мусобақанинг очилишида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида юртимизда спорт билан мунтазам шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилаётгани таъкидланди. Мусобақанинг биринчи куниди

катталар ўртасидаги ката баҳсларида пойтахтлик Б.Фозилжонов, Э.Жонбоев, наманганлик Ш.Қозоқов, қашқадарёлик М.Самадов, С.Каспулатов, Н.Каспулатов, сурхондарёлик И.Равшанов, Б.Мирзаева, самарқандлик С.Рўзубоева ва фарғоналик Р.Ақбаралиева сингари тажрибали спортчилар билан бирга, кўлаб иқтисодори қаратэчилар финалгача бўлган баҳсларни ўз фойдасига ҳал қилди. Жамоавий кумитэ баҳсларида Самарқанд ва Наманган вилояти вакиллари финалга чиқди.

Шу кунги Тошкентда барча шарт-шароитларга эга замонавий қаратэ маркази фойдаланишига топширилди.

**Байрам АЙТМУРDOB, ЎЗА мухбири.**



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

## Электрон қўлланма

Таълим жараёнида анъанавий услублар билан бирга янги инновацион педагогик технологиялар жорий этиляпти. Бу эса ўқувчи-талабаларга ўтилган дарс-машғулотларни чуқур ўзлаштиришига ёрдам берапти.

Педагогика фанлари номзоди Шамсия Исмомованинг «Таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларни қўллаш шартлари» илмий-услубий электрон қўлланмасида «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми», «Мунозара», «Кейс-стади», «Тезкор қарор», «Фикрлар мантиги», «Бумеранг» каби педагогик технологиялар атрофида таҳлил қилиниб, уларни қўллаш бўйича ўқитувчиларга тегишли тавсиялар баён этилади. Унда айрим мазкур бўйича қайси педагогик технологияни қўллаш мақбул экани ҳақида аниқ мисоллар келтирилган. Ўйлаймики, бу қўлланма педагогларимизда қизиқиш уйғотади ва ундан ибратли жиҳатларини олишиб, таълим жараёнидаги татбиқ қилишда.

Ушбу илмий-услубий қўлланма Ўзбекистон маданияти ва санъати жамғармасининг педагогик грантлар лойиҳаси асосида Ўрганч давлат университетидида ба-жарилди.

## Ободончилик

### Боғлар барпо бўляпти

Кўклам келиб табиат уйғонди. Туямуён сув ҳавзаси, Устурт ясси тоғлари, Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкчамзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Олма, ўрик, шартполи, беҳи каби мевали дархат қўчатлари ўтказилимоқда. Янги боғ-роғлар барпо этилмоқда.

Қорақалпоқларда «Ун йиллигини ўйлаган боғ қилади» деган мақол бор. «Тахитоташ нефть базиси» унитар корхонаси жамоаси 30 гектар майдонни текислаб, Наманган вилоятидан олма, беҳи, нок, шартполи, ўрик қўчати олиб келиб ўтказди.

Унитар корхона раҳбари ўринбосари Арсбай Мирзанов билан суҳбатлашганимизда Хўжайли туманидаги «Амударё», Кейгили туманидаги «Халқобод», Чимбой туманида «Бахитли», Қораўзақ туманида «Қаршиғали», Тахтаўйир туманида «Ўзбекистон», Қўнғирот туманида «Қўдқар», Шўманой туманида «Дехқонобод», Қанлиқўй туманида «Куламстжирар» каби хўжалиқларнинг ҳар бирида 3 гектардан боғ яратилганини айтиб берди. Боғдорчиликка ихтисослаштирилган Нукус туманида 6 гектар майдонда янги боғ бунёд этилди.

— Мева қўчатларини донасини 4000-4200 сўмдан сотиб олдик, ўтказилган ниҳолларнинг қандай ўсаётганини узлуксиз назорат қилиб келаямиз. Келгусида худудимизда ажойиб боғ-роғлар юзага келади, — дейди инженер-технолог-боғбон Холбой Қўтлимуратов.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## OB-XABO 19-20.04. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	28°C	30°C
Самарқанд	27°C	32°C
Нукус	25°C	30°C
Қарши	27°C	32°C
Урганч	25°C	30°C
Навоий	27°C	32°C
Фарғона	23°C	28°C
Бухоро	27°C	32°C
Андижон	23°C	28°C
Наманган	23°C	28°C
Термиз	27°C	32°C
Жиззах	27°C	32°C
Гулистон	27°C	32°C
Тошкент вил.	27°C	32°C

Лондон	8°C	7°C
Париж	10°C	6°C
Москва	0°C	0°C
Мадрид	10°C	10°C
Пекин	10°C	11°C
Гонгконг	20°C	20°C
Рим	8°C	11°C
Анкара	-2°C	2°C
Токио	7°C	8°C
Стокгольм	3°C	3°C
Кейптаун	16°C	15°C
Қоҳра	9°C	9°C
Гавана	21°C	22°C
Вашингтон	16°C	17°C

## MUASSIS:



Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

### TAHIR HAYATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Musihiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'afvor HOTAMOV	
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

## BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

### MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

## Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 449 t — Tijorat materiallari

18968 Topshirish vaqti — 21.00

nusxada bosildi. O'za yakuni — 21.15

Sotuvda erkin narxda Topshirilgan vaqti — 00.30

## Navbatchi:

**Erkin XOLBOBOYEV**

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5